

## АНЬАНАВИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ КОНСЕНТУАЛ АСОСЛАРИ

**Бойкўзиев Х.Х.** – Самарқанд давлат тиббиёт университети, гистология, цитология ва эмбриология кафедраси доценти.

**Исмиолова Н.А.** - Самарқанд давлат тиббиёт университети, гистология, цитология ва эмбриология кафедраси ассистенти.

Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон республикаси.

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада анъанавий таълим ва инновацион таълим беришнинг концептуал асослари ва уларнинг бир-биридан фарқи, ютуқ ва камчиликлари баён қилинган. Шу билан бирга анъанавий ва инновацион таълим беришда таълим оловучи ва таълим берувчининг ўрни, вазифалари, ўрганиш усуллари таълим воситаларидан фойдаланиш ва таълимни ташкиллаштириш каби жиҳатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** анъанавий таълим, инновацион таълим, концептуал асослар.

Анъанавий таълим бериш.

1) Таълим оловчига ёндашиш бўйича назоратчи, насиҳатгўй, эгаллаб бўлинган усул бўйича қайта тиклаш, таълим оловчиларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини бостирувчи, қатъий ташкил этилган бўйсуниш асосидаги (афоритар) таълим (2, 3, 6, 8, 11, 13).

2) Таълим оловчининг имкониятлари, уларнинг ўзлаштириш ва билимларни қайта тиклашларига йўналтирилган таълим.

3) Ўрганиш, эслаб қолиш вазифаси, дарс бериш эса – асосий фаолият;

4) Таълим парадигмаси; таълим берувчи – китоб – таълим оловчидан иборат (1, 4, 5, 9, 10, 12, 14).

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

1) Шахсга йўналтирилган таълим ва таълимга тизимли, ҳаракатли ёндошишга асосланади. Таълим оловучи шахси – таълим жараёнининг марказий эгаси. Муносабатларнинг инсонпарварлиги ва эркинлиги, ўқишига мажбурлашдан воз кечиши.

2) Табақалаштириш ва индивидуллаштириш; умумий таълим оловчининг ақлий ривожланиш даражаси ва ушбу фанни улар томонидан ўзлаштирилишини ҳисобга олиши.

3) Ўрганиш – ақлий ривожланиш, мустақил эгаллаш жараёни ва асосийси таълим олувчиларнинг эгаллаган билимларини қўллай олиш қобиляти, хусусияти бўйича муаммоли ва изланувчанлиги.

4) Таъимнинг янги парадигмаси, яъни: таълим олувчи – китоб – таълим берувчи пайдо бўлади (1, 4, 7, 9, 15, 16).

Таълим олувчининг тутган ўрни ва вазифаси.

Анъанавий таълим бериш.

1) Таълим берувчи таъсиридаги бўйсинувчи обьект.

2) Билим – бирдан бир мақсад.

3) Хато – жазоланади.

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

1) Мустақил билиш фаолиятини олиб борувчи таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъекти.

2) Билим – шахсий муаммоларни ҳал этиш воситаси.

3) Хато қилишга хаққи бор – хатоларда ўрганади.

Таълим берувчининг тутган ўрни ва вазифаси.

Анъанавий таълим бериш.

Китоб билан бирга, ягона ташаббускор шахс – билиш субъектини назорат қилувчи, асосий билим манбаи (2, 5, 6, 10, 11, 15).

Бошқарув органларининг раҳбарлик буйруқларини бажарувчиси.

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

Таълим олувчиларнинг мустақил билиш фаолиятлари ташкилотчиси, уларнинг масъул маслахатчиси ва ёрдамчиси. Таълим олувчиларнинг нафақат назоратини, балки эҳтимолий четга чиқиши, уни тўғирлаш мақсадида уларнинг таълим берганлик ташхисини таъминлайди.

Таълим бериш ва ўрганиш усуслари.

Анъанавий таълим бериш.

Тайёр билимларни оғзаки баён қилиш орқали билдириш. Оддийдан умумийликка, индуктив мантиқа, механик эслаб қолишга, қайта тиклаш (ўзгаришсиз қайтариш) баёнига асосланган, намуна бўйича таълим бериш, натижада таълим олувчиларни сусткашликка, нутқ фаолиятини бўшаштиришга олиб келади.

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

Муаммоларни излаш, билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, муаммоли вазиятларни яратиш, фаол билишнинг ижодий тадқиқотчилик фаолитятига асосланган фаол таълим бериш усуслари.

Таълим бериш воситалари.

Анъанавий таълим бериш.

Таълим берувчи сўзлари, кўргазмали ва техник воситалар. Мураккаб (техник) тилда ёзилган ўқув адабиётлар, шу боис қабул қилиши қийин ва асосан уй вазифаси учун қўлланилади.

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

Анъавий воситалар билан бир қаторда – ахборотли технологияларни қўллаш. Ўқув материаллар таълим олувчилар томонидан билимларни мустақил излаш учун ишлатилади.

Таълим беришнинг ташкиллаштириш шакллари.

Анъанавий таълим бериш.

1. Оммавий таълим бериш: таълим олувчилар бир – бирлари билан ажралган муносабатда ва мустақилликнинг етишмаслиги қузатилади.

2. Таълим берувчи фақат педагогик фаолиятни режалаштиради.

3. Ўзлаштирилганлигини назорат қиласи.

4. Миқдорий баҳо ва баҳолаш - мажбурийлик воситаси ҳисобланади ҳамда таълим берувчи таълим олувчи устидан ҳукмонлик қуроли бўлиб хизмат қиласи. Таълим олувчи фаолиятининг якуний таҳлили ва баҳоланиши қузатилади.

Инновацион технологик ёндашувга асосланган таълим бериш.

1. Мақсадни белгилаш, якуний ўқув натижаларининг мезонли чекланувчиси, ташхисий белгиланган мақсадларни кафолатли эришишга йўналитириш; олинган натижалар сифатини ўлчашнинг мезони ва кўрсатмалари мавжуд.

2. Нафақат башорат қиласи, балки педагогик фаолиятни лойиҳалайди ва режалаштиради. Шу билан бирга ўқув фаолиятининг мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқади, таълим олувчиларнинг мустақил ўқув – билиш фаолиятларини башорат қиласи, режалаштиради ва ташкиллаштиришда уларнинг ташаббусларини оширади ва қўллаб - қуватлайди. Таълим берувчи, таълим олувчи билан таълим жараёнининг ўқув диалогини тузади. Уларнинг мустақилликка интилишини ривожлантириш учун, ўзи мустақил таълим олишга тайёргарлик кўради, ўз - ўзини билишини амалга оширади ва ўз - ўзини тақдим эта олиш қобилятлари учун шароит яратади.

3. Нафақат назорат қиласи, балки таълим берилганлик, ривожланиш ва тарбияланганликнинг мониторинги ҳисобланади.

4. Таълим берувчи умумий натижани баҳолайди ва таълим олувчи билан ҳамкорликдаги меҳнатларининг кўзланатётган натижаларга нима учун эришилмади ёки қисман эришилганлигини таҳлил қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, анъанавий таълимдан инновацион таълим беришнинг бир қанча устунлик жиҳатлари мавжуд бўлиб, олий таълим муассасаларида ундан фойдаланиб, машғулотларнинг сифати ва

самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Инновацион таълим технологияларни кўллаш талабаларда янгича тафаккур, илмий изланувчанлик, эркин ва соглом фикрлаш қобилиятини ўстириш, педагог кадрларнинг эса касбий тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорати ва компетентлигининг ривожланиши асосида, таълим - тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Тошкент. 1997 йил 29 август.
2. Авлиёқулов Н. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2008 йил.
3. Бойкўзиев Ҳ. Ҳ., Бобожанова Ш.Ш., Дехқонова Н.Т., Джуракулев Б.И., Исмоилова Н.А. "Тиббиёт олий таълим муассасаларида тиббий биологик фанларни ўқитишида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш". Самарқанд 2019. 51 бет
4. Бобожанова Ш.Ш. Патология фанини ўқитишида интерфаол усусларни кўллаб машғулот самарадорлигини ошириш. Тошкент. 2016 йил.
5. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров Р. Инновацион технологиялар . Тошкент. 2007 йил.
6. Ишмухаммедов Р., Пардаев А., Абдуқодиров А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008 йил..
7. Махсудов С.Н. ва бошқалар . Тиббиёт таълимида замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши . Тошкент. 2016 йил.
8. Рахимов Б. Педагогик технологиялар схемаларда. Тошкент. 2009 йил.
9. Саидхамедов Н., Абдурахимов С. Педагогик технологиялар, педагогик маҳорат. Тошкент. 2010 йил.
10. Толипов О., Усмонбоева М. Педагогик технологиялар. Тошкент. 2005 йил.
11. Davronova A. B., Avazova G. A., Rakhmonova Kh. N., Mukhittdinova S. M. Development of professional self-education competence of future specialists with medical education. Journal of Universal Science Research, 1(12), 139–144.
12. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Бойкузиев Ҳ.Ҳ. Организация образовательного процесса на младших курсах медицинского института. «Личностный подход в обучении и гуманизация учебно -воспитательного процесса» межвузский Республиканский сборник научных статей Стр. 29-31. Самарканд 2013.
13. Орипов Ф.С., Блинова С.А., Хамирова Ф.М. Преподование морфологических дисциплин в медвузе сочетание традиционных и новых образовательных технологий. Материалы научно-практической конференции “Система повышения квалификации педагогических кадров в вузах Узбекистана: опыт, приоритеты и перспективы развития” 18 апрель 2018. С. 41-42.
14. Орипов Ф.С., Дехканов Т.Д., Бойкузиев Ҳ.Ҳ., Ҳамраев А.Х. Фундаментал фанларни ўқитишида горизантал ва вертикал интеграциянинг ахамияти. Сборник учебно-научнопрактической конференции “Общение с пациентом, проблемы обученич практических навыков и их решении при подготовке квалифицированных специалистов” 2018 Ташкент С. 397-398.
15. Орипов Ф.С., Дехканова Н.Т. Реализация принципов дидактики при модульной системе обучения. “Современное состояние, проблемы и перспективы медицинского образования” международная учебно-научно-практическая конференция. Бухара 12 апреля 2018. С. 150.
16. Халимова Н.А. Ҳамраева Ю.М. Рахмонова Х.Н. Рахмонов Ф.З. Педагогическое общение в деятельности врача. Journal of Universal Science Research, 1(11), 305–315.